

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

Кириш

1. Коррупция тушунчаси, турлари, сабаблари ва ижтимоий хавфлилиги

2. Коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати ва уни амалга оширишда Адлия вазирлигининг вазифалари

Хулоса

Фойдаланишга тавсия этиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар

КИРИШ

Жамиятнинг бугунги ривожланиш жараёни инсониятни тобора янги тараққиёт чўққиларига эришаётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, бу жараёнга тусқинлик қилаётган иллатлардан бири сифатида коррупцияни киритсак асло муболаға бўлмайди.

Бу борада бир нечта самарали ташаббуслар амалга оширилди, масалан, коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди, миллий қонунчилик ишлаб чиқилди, давлат органларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда келиб чиқадиган коррупциявий хатарларни баҳолаш тизими жорий этилди, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва шу каби бошқа бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Аммо, амалиёт кўрсатиб турибдики, мамлакат доирасида эришилган ютуқлар, коррупцияга қарши кураш самарадорлиги вазифаларига тўлиқ жавоб бермайди. Айнан шу сабабли, Президентимиз ўз чиқишларида, коррупцияга қарши кураш масаласига қайта ва қайта тухталиб ўтмоқда. Хусусан, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида, Юртбошимиз **“... коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт”**лигини таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур ғоя, бугунда Адлия органлари ва муассасалари ҳар бир ходими иш фаолиятининг тамойилига айланиши даркор. Бинобарин, юртимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида коррупцияга қарши кураш йўналишлари қаторида **“... коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади”** деб, таъкидлаб ўтдилар. Ушбу маъруза матни ҳам айнан шу вазифаларни бажаришга йўналтирилган.

1. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Коррупция сўзи - латинча “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, “емирилиш”, “бузилиш” деган маъноларни англатади. **Коррупциянинг ижтимоий куриниши** «хокимиятни бузиш, чиритиш оркали сотиб олиш» деган маънони беради.

Коррупция ибораси кўпинча, давлат идораларида ишлайдиган мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатидан шахсий манфаатларда ноқонуний фойдаланиш билан тавсифланади. Шу боис, коррупцияга қўйидагича тушунча берилган:

“Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш” (*Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси*).

Бугунги кунда ривожланган жамиятларда коррупциянинг қўйидаги турлари учрамоқда:

Маиший коррупция оддий фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўзаро таъсир натижасида вужудга келади. Мазкур коррупция тури, фуқароларнинг амалдор ва унинг оила аъзоларига турли хил совғалар ва хизматлар қилиш билан боғлиқ ҳаракатларда ифодаланади. Ушбу тоифага, шунингдек, қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўриш (непотизм) киради.

Бизнесдаги коррупцияси тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар. Масалан, иқтисодий низо юзага келган тақдирда, томонлар ўз фойдасига қарор қабул қилиш учун судьядан ёрдам сўрашлари мумкин.

Ҳокимиятдаги коррупция деганда, давлат ҳокимият органларида мансабдор шахслари томонидан содир қилинадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тушунилади. Бунга мисол сифатида, ўз шахсий манфаатлари мақсадида, ҳокимиятда турган айрим гуруҳларнинг сиёсат олиб боришда, сайловчилар манфаатларига зарар етказадиган виждонсиз хатти-ҳаракатларини келтириш мумкин.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши, демократия ва инсон ҳуқуқлари институтларнинг мустаҳкамланишига жиддий путур етказди, кенг жамоатчиликда ҳокимиятга бўлган ишончни сўндиради, жамиятдаги тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади, давлат бюджетига жиддий зарар етказди.

2. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатдаги коррупция курсатгичларининг юқорилиги, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий барқарорлиги ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, коррупцияга қарши кураш ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг асосий сиёсий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4. банди, яъни «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» борасида: «коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш» вазифаси белгиланган.

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида, Президентимизнинг ташаббуслари билан 10та асосий ислоҳотлар қаторида, коррупцияга қарши курашишга оид ислоҳотларни амалга ошириш белгиланди. Бу йўналишда, жумладан, қўйидаги ижобий ишлар амалга оширилди:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари тасдиқланди (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони*);

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди (кейинчалик, коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари) (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли қарори, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини*

такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони).

- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди (2017 йил 4 январда кучга кирган);

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилди (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони*). Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида **коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** белгилаб берилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

2) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, коррупцияга қарши курашишни бевосита олиб борувчи давлат органлари (Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти) қаторида Адлия вазирлиги ҳам фаолият юритади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

-коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

-аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

- таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

- коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Жумладан, бугунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг 8-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш ишлари олиб борилмоқда.

ХУЛОСА

Коррупцияга қарши, фақатгина жазоларни оғирлаштириш йўли билан курашиш самара бермаслигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу ўринда, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда “Коррупциянинг олдини олишда, давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ”.

Коррупцияни енгишда албатта, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим ўрин тўтади.

Мурожаатномада, мазкур масалага эътиборимизни қаратилиши, Бизларга коррупцияга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга сингдириш ва уларга фақат ҳалол меҳнат ва тadbиркорлик орқали даромад топишни ўргатиш вазифасини юқлайди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР ВА ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:
Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27
майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида
коррупцияга қарши курашиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29
июндаги ги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида
коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

Юридик адабиётлар:

Алимов Г.А. Мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси
устидан жавобгарликни кучайтиришнинг долзарб масалалари.
Хорижий ва миллий тажриба: Монография. – Т., 2017. – 194 б.

Алимов Г.А. Юридик шахсларнинг коррупцион
ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартибга солувчи
халқаро стандартлар тизими: Монография. – Т.,
KOMRONPRESS. 2019. – 160 с.

Алимов Г.А., Исраилов Б.И. Теневая экономика, коррупция,
взяточничество: уголовно-правовая оценка: Монография. – Т.:
“Издат. дом Инновационного развития». 2020. – 202 с.

Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и
предупреждение коррупционных преступлений: Монография. –
Т., 2016 – 148 с.

Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – 258-б.